

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

3-2019

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

---

## АДАБИЁТШУНОСЛИК

### **Й.Солижонов**

Ҳамза Ҳакимзода шеъриятида лирик қаҳрамоннинг такомиллашув жараёни ..... 85

### **Ғ.Усмонов., З.Жўраева., Н.Набиева**

Хорижлик адабиётшунос олимларнинг жадид адабий меросига муносабати хусусида ..... 88

### **С.Мамаюсупова**

Шукур Холмираев ижодида мақол ва матал муносабатлари ..... 91

---

## ТИЛШУНОСЛИК

### **Ш.Ганиева**

Ўзбек тилидаги феъл фразеологизмларда бўлишли-бўлишсизлик категорияси ..... 95

### **Ф.Абдурахмонов**

Замонавий рус тилида уч актантли феълларнинг структурали-семантик хусусиятлари ..... 98

### **Д.Газиева**

Матнни функционал-услубий жиҳатдан ўрганиш ..... 103

### **Н.Аббосова**

Инглиз мақол ва маталларини ўргатишда ўқувчиларнинг танқидий фикрлаш қобилиятларини ривожлантиришнинг самарали услублари ..... 107

### **М.Ҳакимова**

Абстракт сўзларнинг синонимия муносабатлари ..... 111

### **Ҳ.Солихўжаева**

Ўзбек тилидаги фестиваль номларини ифодаловчи геортонимлар хусусида ..... 116

### **Ш.Матназаров**

Ўзбек тилидаги қишлоқ хўжалиги лексикасининг шаклланиши ва ривожланиши ..... 119

### **Н.Умарова, Н.Абдувалиева**

Алишер Навоийнинг “Садди Искандарий” достони назмий ва насрый вариантларидағи айрим тафовутлар ..... 122

### **Ф.Қосимова**

«Тиб қонунлари» (Абу Али Ибн Сино) асарида келтирилган касаллик номлари ва уларнинг ўзбек, инглиз тилларидаги ўзига хос лингвокультурологик жиҳатлари ..... 126

---

## ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

### **Р.Мамасолиев, Р.Солиев**

Олий таълимда чет тили фанларини ўқитишининг замонавий асослари ..... 130

### **Ш.Алимов, М.Нурматова**

Чет тили ўқитувчисининг касбий компетенциясини шакллантириш ..... 133

### **Д.Ҳайдарова**

Чет тили дарсларида синфни бошқариш стратегиялари ..... 136

### **З.Бобоева, И.Пўлатов**

Педагогик мулоқотнинг ўзига хос хусусиятлари ва функциялари ..... 140

---

## ИЛМИЙ АҲБОРОТ

### **Р.Максудов, А.Джураев, Ш.Холдоров, Н.Пўлатов**

Толали материалларни тозалаш агрегати колесники панжарасининг ишлаб чиқаришдаги синов натижалари ва самарали конструкцияси ..... 143

### **А.Юсупова, З.Муқимова, Х.Иброҳимова**

Математика дарсларида стохастик компетенцияни шакллантириш ..... 147

### **Р.Маджидова**

Оиласий қадриятларни изоҳловчи мақолларнинг аксиологик аҳамияти ..... 149

### **М.Мадаминова**

Абу Райхон Беруний – адабиётшунос ..... 152

### **М.Юсупова**

Навоий образининг янгича талқини ..... 155

### **Х.Рахматиллаев, С.Соҳибов**

Ўзбек халқи анъанавий дунёқараши тизимида турли ҳайвонлар билан боғлиқ тасаввурлар ..... 158

УДК: 8-1/-9+808.03

ХОРИЖЛИК АДАБИЁТШУНОС ОЛИМЛАРНИНГ ЖАДИД АДАБИЁТИ МЕРОСИГА  
МУНОСАБАТИ ХУСУСИДА

ОБ ОТНОШЕНИИ ЗАРУБЕЖНЫХ УЧЕНЫХ-ЛИТЕРАТУРОВЕДОВ К  
ЛИТЕРАТУРНОМУ НАСЛЕДИЮ ДЖАДИДОВ

ON THE POSITION OF FOREIGN LITERARY CRITICS TO JADIDS' LITERARY  
HERITAGE

Ғ.Усмонов., З.Жўраева., Н.Набиева

**Аннотация**

Мақолада хорижлик олимларнинг XX аср адабиёти намояндалари, айниқса, жадид адабиёти меросига муносабатлари, улар томонидан адиларимизнинг асарларини инглиз, немис, француз ва бошقا қатор чет тилларига таржима қилинганилиги хусусида фикр юритилади.

**Annotation**

Статья рассматривает отношение зарубежных ученых к деятелям литературы XX века и, в особенности, к наследию джадидской литературы, а также их переводы произведений отечественных писателей на английский, немецкий, французский и ряд других языков.

**Annotation**

The article gives information about the attitude of foreign scientists towards the representatives of XX century literature, especially to the literary heritage of Jadid literature, the translation of the writer's works by the foreign scientists into English, German, French and a number of other foreign languages.

**Таянч сўз ва иборалар:** жадидчи, жадидшунос, мутаржим, қодирийшунос, фитратшунос, маърифатпарвар.

**Ключевые слова и выражения:** джадид, джадидизм, переводчик, просветитель

**Keywords and expressions:** Jadid, jadedism, interpreter, study of Kodiriy's works, study of Fitrat's works, enlightenment.

Жадидчиларнинг маърифатчилик йўлида олиб кирган янгиликлари ёки уларнинг ижодлари нафақат ўзимизнинг олимларимиз ва халқимиз томонидан қизиқиб ўрганилади, балки хорижлик олимлар ва китобхонларни ҳам ўзига жалб этади. Адиларимизнинг бир қатор асарлари инглиз ва немис тилларига таржима қилинганилиги бунинг исботидир. Асарларнинг хорижий тилларга қай тарзда таржима қилинганилиги, таржимонлар кўпроқ нималарга этибор берганликлари кўпгина илмий ишлар учун асосий манба вазифасини ўтамоқда. Мисол учун, америкалик олим Эдвард Олворт жадидчилар ва ўзбек адилари ижоди ва ҳаётини ёритиб берган "Modern Uzbeks" китобини ва бир қатор асарларни инглиз тилига таржима қилиб, нашр эттириди. Ўзбекистонлик жадидшунос олима З. Мирзаева америкалик олим Эдвард Олвортнинг Беҳбудий томонидан ёзилган "Падаркуш" (The Patricide) асарининг таржимасини таҳлил қилган [1,124]. У, таржимага қуйидагича баҳо бериб: "Мутаржим бошқа жадид даври асарларини инглизчалаштиришда йўл қўйган камчиликлар

(сўз ва мажозий маъноли ибораларнинг тушунмаслик оқибатида ташлаб кетилиши, сиёсий таъсирга берилиб, ўзбекча матннинг аслиятдан фарқли ўзлаштирилиши ва, ҳатто, сўз-ибораларни тўлалигича тушуна олмаслик...ни) бартараф этиб, драмадаги Беҳбудийга хос услубни сақлаб қолган" [2,125], дея таржимани таҳлил қилади. Адабиётшунос Баҳодир Карим ўзининг "Абдулла Қодирий" деб номланган рисоласида хорижда қодирийшунослик доирасидаги мулоҳазаларни талқин этган [3,203-221].

Инглизчалаштирилган таржималарга назар ташласак, улар бир қатор таржимонлар томонидан амалга оширилганлигига гувоҳ бўламиз. Мисол тариқасида Вашингтон университетида фаолият кўрсатаётган таржимон Каролин Вейни олишимиз мумкин. У Ҳожи Муиннинг "Мазлума хотин" (The Oppressed Wife) ва Ойбекнинг "Болалик" (The Childhood) асарларини қисқартирилган ҳолда инглиз тилига таржима қилган. Таржимон асарлар таржимасида ўзбек реалияларини инглиз тилига ўгиришда бироз камчиликларга йўл қўйган, аммо бу нуқсонлар асар мазмунига

Ғ.Усмонов, З.Жўраева – ҚДПИ инглиз тили ва адабиёти кафедраси ўқитувчилари.

Н.Набиева – ҚДПИ талабаси.

## АДАБИЁТШУНОСЛИК

ва китобхон онгига тўғри етиб боришига салбий таъсир кўрсата олмайди.

Йигирманчи аср янги ўзбек адабиётининг тамал тошини қўйган Беҳбудий, Фитрат, Қодирий ва Чўлпон сингари улуғ адид ва олимлар фаолияти шўро даврида, ҳар канча "бекитик"ларга қарамай, ўз давридаёқ хорижий олимларнинг эътиборини тортиб улгурган эди. Айниқса, буюк маърифатпарвар, серқирра ижодкор Абдурауф Фитратнинг ҳаёти ва ижодига қизиқиш ўз давридаёқ бошланган эди. Унинг ижоди ҳатто хорижда ҳам кенг миқёсда ўрганилган ва ўрганилмоқда. Фитрат ижодининг илк босқичига мансуб "Сайҳа", "Мунозара", "Сайёхи ҳинди" каби асарлари, ўзбек адабиёти, санъати тарихи ҳамда назариясига доир ишлари хорижий олимларнинг дикқат марказида бўлган. Улар ўзларининг тадқиқотларида Фитрат асарларининг кўп жиҳатларини ўрганганлар, айrim қирралари ҳақида тадқиқот ва мақолалар яратганлар. Масалан, япон олими Хисао Хумасу, француз олими Эден Каррерде Ипкаус, немис олими И.Балдауф, американлик олим Эдвард Олвортлар томонидан адабий ҳамда кўпроқ сиёсий мақсадда ўрганилган.

Абдурауф Фитратнинг "Ҳиндистонда бир Фаранг ила бухороли мударриснинг жадид мактаблари хусусинда мунозараси" (Debate between a teacher from Bukhara and a European)[4] асари американлик олим Виллиам Ханнавей томонидан инглиз тилига таржима қилинган. У асарни 1911-1912 йилларда Истамбулда нашр эттирган "Матба-исламия-и Ҳикмат" жаридасининг 30-53-бетларида форс тилида эълон қилинган "Мунозараи Мударриси Букҳараи макатиби-и Жадида" нусхасидан таржима қилган.

Қолаверса, АҚШнинг Каролина университетида фаолият кўрсатаётган профессор Адид Ҳалид ҳам номояндаларимизнинг бир қатор асарларини таржима қилиб, инглиззабон китобхонлар эътиборига ҳавола этган. У Мунаввар Қорининг «Туркистон» газетасининг 1906 йил 26 сентябрдаги сонида нашр этилган "Ислаҳ не демакдур" (What is reformation) асарини, Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпоннинг "Садои Туркистон" газетасининг 1914 йил 4 июль, 25 июль, 26 октябрь, 5 ноябрдаги сонларида нашр этирилган ҳамда Сирожиддин Аҳмад ва Улуғбек Долимовлар томонидан "Шарқ юлдзузи" журналининг 1992 йил 1-сони(132-138 бетлари)да қайта чоп этилган "Доктор Мухаммадёр" (Doctor

Muhammad-yar) асарини таржима қилган. Булардан ташқари А. Ҳалид Беҳбудийнинг 1913 йилда ёзган "Падаркуш" (The Patricide) асарини ҳам қисқартирилган ҳолда таржима қилган. А.Ҳалиддан олдинроқ бу асарни яна бир олим – Эдвард Олворт тўлиқ таржима қилганлигидан хабаримиз бор. Унинг таржимаси 1986 йилда Урал-Олтой йилномаси( 84-93 бетлари)да босилиб чиқкан. Эдвард Олворт бу асарни (Murder as metaphor in the first Central Asian drama) Ўрта Осиёдаги биринчи драма, деб ҳисоблади.

Жадидчилик илк бор зиёлилар тарафидан эсга олинган, бироқ у даврда улар асосан замонавий ўзбек адабиётининг асосчилари сифатида эсланганди. Фақатгина 90-йилларнинг ўрталарида келиб, улар жиддий тарихий ёndoшув билан муҳокама мавзусига айландилар. Жадидлар ўзбек давлатчилиги йўлида жон фидо қилган шаҳидлар, халқнинг қаҳрамон вакиллари сифатда улуғланади.

Ҳозир хорижда яшаётган ўзбек олимларидан Фитрат ижоди билан астойдил шуғулланган доктор Темур Хўжа ўғлидир. Олим "Ҳозирги турк адабиётлари" (1988) тадқиқотининг "Ўзбеклар ва ўзбек адабиёти" бобида Фитрат ижодига "Ўзбек шеърининг ғарб тушунчасидаги "модерн" услубининг асосчиси", деб қарайди. Кейинроқ, Фитрат фаолияти ҳақида маълумот берган маҳсус хабарнома "Туркистон олими Абдурауф Фитратнинг туркология соҳасидаги унтилган асарлари" сарлавҳаси билан Анқарада эълон этилган. Унда "Фитратни том маънода таъриф этимак учун... бу сифатлардан бир қанчасини келтиришни маъқул биламиз: ислоҳотчи, сиёsatчи ва давлат арбоби, ношир, муҳаррир, публицист, ҳикоянавис, шоир, драматург, адабиёт тарихчиси, адабиёт танқидчиси, тилшунос, мусиқа тарихчиси, фольклоршунос олимдир", деб ёzádi [5] ва Фитратнинг асосий илмий ишлари ҳақида қисқа тушунтириш беради. Шу билан бирга алломанинг "Сарф", "Наҳв", "Ўзбек адабиёти намуналари", "Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи", "Санъатнинг маншай", "Аҳмад Яссавий", "Атабату-л-ҳақойиқ" ("Ҳибату-л-ҳақойиқ" асари турк тилидаги тадқиқотларда шундай юритилади), "Фарҳоду Ширин тўғрисида" номли асарларининг титул варажларини ўз тадқиқотига илова қиласди. Профессор Темур Хўжа ўғлининг фитратшунос сифатидаги фаолияти давом этимоқда.

Олмониялик олима Ингеборг Балдауф кўпгина тадқиқотларида XX аср бошларидаги

Туркистон ва Бухоро ҳаётини қаламга олган. Ингеборг Балдауф ўзбек миллатига нисбатан қўлланилган "сарт", "муслим", "чиғатой", "турк" ислоҳотларининг генезислари ва илмий муомалада қўлланилиш тарихи ҳамда Туркистон АССР нинг ташкил топиши, 1923-24 йилларда сунъий равишда уюштирилган давлат миллий чегараланишига доир мулоҳазаларини баён этади. Тадқиқот ўзининг ўрганилиш кўлами ва илмий аҳамияти жиҳатидан анча дикқатга сазовор, чунки олма ўзбек халқининг кейинги саксон йил давомида рўй берган ўзгаришларига сабаб бўлган воқеалар илдизларини чуқур текширади ҳамда ўз давридаёқ бу "ўзгаришларнинг оқибатларини кўриб улгурган Беҳбудий, Фитрат каби улкан олим ва адилларнинг ижодини фақат ислоҳотчи нуқтаи назаридан эмас, балки халқ ва миллатнинг келажагини кўра олган ҳамда миллатнинг бундай аянчли оқибатларга келмаслиги учун курашган миллат қаҳрамонлари назаридан келиб чиқиб ўрганади[6]. Шунингдек, олма Фитратнинг "Шайтоннинг тангрига исёни" шеърий драмасини олмон тилига таржима қилиб, шарҳлар билан бирга нашр этган [7].

Булардан ташқари, А.Беннигсен ва Л.Келкежай, М.Бутино, Раковско-Хайстон, Й.

Бензинг, Ж.Соупер, Адид Ҳалид каби Ғарб тадқиқотчиларининг ишларида ҳам, Чифатой Кучар, Эртугрул Яман, Юсуф Авжи сингари турк олимларининг асарларида жадидчилик масалалари билан бир қаторда улуғ адид ва олим Абдурауф Фитрат фаолияти акс этганини кўрамиз [8].

Биз юқорида келтирган манбалар, тадқиқот ва мақолалар Фитрат фаолиятининг ҳамма томонларини тўла қамраб олмаслиги, уларнинг айримларида фактик чалкашликлар ёки ўша давр матбуотида ёзилган сохта маълумотларга ишониш каби қусурлар учраши мумкин. Шу билан бирга, бу хорижий фитратшуносликнинг шу кунларгача бизга маълум булган айрим жиҳатлари, холос. Бизга номаълум яна қанча манба ва тадқиқотлар бўлиши шубҳасиз. Фитратнинг сиёсий ва адабий фаолияти хорижда шунчалик кенг кўламда, нисбатан чуқур ўрганилаётган экан, нега биз, унинг маънавий меросхўрлари олимнинг илмий-адабий фаолиятини чуқурроқ ўрганишга киришмаймиз? Айни мана шу билмаслик дардидан тезроқ қутулиш учун ҳам алломанинг ҳеч бўлмаганда асарлари дунёсига берилишимиз, уларни ўрганиш баробарида халққа ташвиқ ва тарғиб этишимиз зарурдир.

#### Адабиётлар:

1. N. Karimov. XX asr adabiyoti manzaralari. –Т.: O'zbekiston, 2008.
2. Мирзаева З. И. Абдурауф Фитрат фаолиятининг ўрганилиши: ўзига хос ёндашув ва қарашлар /Ўзбекистон тарихининг долзарб масалалари ёш олимлар тадқиқотларида: асосий йўналишлар ва ёндашувлар. Республика ёш олимларининг анъанавий иккинчи илмий конференцияси материаллари тўплами. – Т.: Фан, 2010.
3. Edward Allworth. Modern Uzbeks. From the fourteenth century to the present / A Cultural history.- California: Hoover Institution Press Stanford University, 1190 , Edward Allworth. "Uzbek literary politics". London-Paris. 1964.
4. Баҳодир Карим. Абдулла Қодирий. -Т.: Фан, 2006.
5. Ingeborg Baldauf. Some thoughts on making of the UzbekNation. Berlin 1991. Vol 32 n 1 79 -96.
6. Mustafa Cho'qay. Turkistan Milliy adabiyoti haqida Frantsuz ziyoliysi nima deydi Yap turkistan 1931.
7. Beningsen A. Chantal Lemercier-Quelquejay. La presse et le moument national ches les Musilmans 1920. Moution 1964: Souper John Two banned Uzbek writers to be republished Ankara 1997
8. Zaki Validi. Bugungi Turkli Turkistan va yaqin Turkiston. –Istanbul,1981.

(Тақризчи: Ҳ.Жўраев, филология фанлари доктори).